


Миллат кўпдир Туркистонда, ери, суви, нони бир,
Томир битта, Ватан битта, демак улар қони бир.

№ 14- (24) -2014

Туркистон Тонги



www.turkistontongi.com | e-mail: gazeta@turkistontongi.com, raximtoy@bk.ru

Ижтимоий-сиёсий, илмий, адабий-публицистик газета

Ислом Каримов Ражаб Той- иб Эрдўган билан учрашдимизми?



Сочида бўлиб ўтаётган Қишки Олимпиада ўйинлари очилиш маросимидаги қатнашиш учун уюштирилган сафари доирасида Каримов Туркия бош вазири Ражаб Тойиб Эрдўган билан учрашгани ҳақида хабар бор. эмиш.

«Ўзбекистон» телерадиоканалининг «Ахборот» информации дастури хабарида айтилишича, учрашув дўстона ва самимий руҳда ўтган. Унда томонлар икки томонлама ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш кераклигини алоҳида таъкидлашган.

Учрашувда икки тараф манфаатларига тааллуқли масалалар ҳам муҳокама қилинган.

«Ахборот» дастурида ушбу жараён ҳақида видео-сюжет эълон қилинмади.

манба: «ВАТАНДОШ»

ТАХРИРИЯТДАН: Биз босишга мажбур қолганимиз бу ахборотда мукамаллик йўқ, Мадомики, икки давлат раҳбари учрашган экан, «Ўзбекистон» телерадиоканалининг «Ахборот» информации дастури гап нимада эканлигини очиклаши керак эди. Очик бўлмаган хабарнинг ахборотга алоқаси йўқдир...

Қозогистонга узатилаётган ўзбек гази ҳажми қисқартирилди

«430 минг куб метр ўрнига айни вақтда соатига 120 минг куб метр газ берилмоқда. Ўзбек биродарларимиз айрим техник носозликлар туфайли газ ҳажми қисқартирилганини ва уни бартараф қилиш жараёни кетаётганини маълум қилди», дея билдиришди. Қозогистонлик расмий Лесбек Серикбаев, кўп қаватли биноларда яшаётган минглаб қозогистонликлар газ босимининг тушиб кетанидан шикоят қилаётганларини қўшимча қилди.

Сўнги бир неча кун давомида Марказий Осиёда ҳаво ҳароратининг кескин тушиб кетиши ортидан табиий газ билан боғлиқ вазият таранглашди.

mulkdor хабар маркази,

Афғонистон: президентлик сайловолди пойгасига старт берилди

Шу йилнинг 5 апрелида Афғонистонда янги президент сайланади. Амалдаги президент Ҳомид Карзай бу галги сиёсий беллашувда қатнашмайди.

Айни пайтда президентлик сайловида қатнашиш учун 11 нафар номзод рўйхатдан ўтган.

Афғон матбуотининг ёзишича, амалдаги президентнинг укаси Қаям Карзай, Гул Оға Ширзай, Ҳидоят Амин Арсала каби номзодлар тарафдорларини Кобул шаҳридаги тўйхоналарда тўплаб, лойиҳалари билан таништирган. Номзодлар мамлакатда ислохот ўтказишга ваъда бергани айтилади.

Афғон жамиятида яхшигина обрўга эга бўлган номзодларнинг сайловолди ташвиқоти кўпроқ кузатилаётир, дейди афғонистонлик сайловчилар.

Расмий маълумотларга кўра, Афғонистон аҳолисининг 42 фоизини пуштунлар, 27 фоизини тожиклар, ҳазорийлар ва яна 9 фоизини ўзбеклар ташкил қилади. Президент Ҳомид Карзай мамлакатни 2001 йилдан буён бошқариб келади.

Афғонистон раҳбари лавозими учун асосий даъвогар ким экани ҳозирча ноаниқ, аммо таҳлилчилар Қаям Карзай ёки Ғарб томонидан қўллаб-қувватланаётган Абдул Русул Саййафнинг галаба қозониши мумкинлигини айтмоқдалар.

Афғонистондаги сиёсий тадбирга бефарқ бўлмаган халқаро ҳамжамият бу галги президентликка сайловлар бу мамлакат ҳамда унинг халқи учун катта синов бўлишини айтмоқдалар.

mulkdor хабар маркази

ФИТНАГА ЙЎЛ БЕРИЛ- МАСЛИГИ КЕРАК

Крим мухтор республикаси пойтахти Симферопол крим-татар жамоасини қўллаб-қувватлаётган «евромайдончилар» ва Россияга қўшилишни ёқлаб чиққан «Рус бирлиги» тарафдорлари ўртасида тўқнашувлар марказига айланмоқда.

Мухторият пойтахти Симферополда бирданига иккита бири-бирига қарши бўлган митинглар бошланиб кетди. Бир томонда Киевдаги «евромайдон» ходисаларидан кейин ўрнатилган ҳокимиятга бўйсинмаслик ва Россияга қўшилишни талаб қилаётганлар бўлса, иккинчи тарафда маҳаллий аҳолининг асосий қисмини ташкил этувчи крим татарлари ва уларга ёрдамга келган «Евромайдон-Қрим» ҳаракати вакиллари турибди.

Крим парламенти – Олий Рада олдида йиғилган крим-татарлар Мажлиси байроғини кўтарган 30 мингдан зиёд норозилар «Йўқолсин ўғрилар тўдаси!», «Қрим – бу Украина!», «Қрим – Россия эмас!», «Яшасин Украина!», деб ҳайқирмоқда. Крим-татар жамоаси вакиллари парламентдан янги ҳукуматни тан олиш ва депутатларнинг навбатдан ташқари йиғилишини тарқатиб юборишни талаб қилмоқда.

– Мен сизларга сўз бераман, мен жонимни тикаманки, ҳеч қандай қўшилиш тўғрисида гап бўлиши мумкин эмас, деди ўзини «евромайдончи» Бикир Ғани деб таништирган крим-татарлари вакили.

Россия тарафдори бўлган «Рус бирлиги» аъзолари Қрим Олий Радаси қабул қилган қарорларни маъқуллаб чиқди. Улар «Фашизмга йўл йўқ!», «Биз кримлик, руслар бизнинг биродарларимиздир!», «Биз ўз тилимизда гаплашишни истаймиз!» каби шiorларни кўтариб чиқди. Асосан рус миллатига мансуб бўлган Россия тарафдорларидан бири руслар ҳам ўз манфаатлари учун курашишга ҳақли, дейди:

– Биз ҳеч қандай сепаратизм борасида гапирмаяпмиз. Биз бугун Қрим мухторияти республикаси тўғрисида, у ерда ўз ҳақлари учун

курашувчи рус миллати вакиллари ҳақида гап юритаяпмиз. Улар рус тили, рус маданияти учун курашиш ҳақкига эга, деди «Рус бирлиги» аъзоси Сергей Аксёнов Украинанинг 5-канали жонли эфирида. Томонлар ўртасида милиция ходимлари турганига қарамасдан, вақти-вақти билан муштлашувлар юзага чиқмоқда. Икки тараф намоийшини кузатиб турган гувоҳлардан бири ташқи кучлар одамларни бир-бирига гиж-гижлаётганини айтади.

– Бу икки халқнинг бири-бирига қарши қўйишдир. Ҳатто уч халқнинг... Можаро йўқ жойдан келиб чиқди. Энг аввало, Россия аралашувидан келиб чиқди, дейди бу гувоҳ. Бу воқеалардан олдинроқ (давоми 3-бетда)

Исоқ Абдуллаев озод- ликка чиқди.

Фаоллардан ва президентнинг танқидчиларидан бири бўлган хоразмлик 78 ёшли тадбиркор Исоқ Абдуллаев қамалганидан саккиз ярим йил ўтиб озодликка чиқарилган.

Исоқ отанинг қамолдан чиққани ҳақида унинг Хива шаҳридаги яқинлари Озодликка маълум қилди.

– Бугун эрталаб олиб келишди. Ҳозир укол оляптилар. Йўлда чарчаган. Лекин, кўриниши тетик, – дея гапни қисқа қилди Исоқ Абдуллаевнинг исмини айтишни истамасдан қариндошларидан бири.

Хоразмлик тадбиркор 2005 йилда Ўзбекистон Жиноят кодексининг фирибгарлик, товламачилик, талончилик, одам ўғирлаш, ёлгон хабар бериш, тухумат қилиш, катта миқдордаги солиқ ва бошқа тўловларни тўлашдан бўйин товлаш каби 18 моддаси бўйича айбланиб, 11 йилга қамалган эди.

Яқинлари И.Абдуллаев хорижий оммавий ахборот воситалари орқали чиқишларида ҳукумат юргизаётган сиёсатни мунтазам равишда қоралаб келгани, Интернетда танқидий мақолалар ёзгани учун шундай куйга тушганини айтишган. Исоқ ота Навоийдаги қамоқхонада жазо муддатини ўтаётганди.

Хоразмлик фаол ўтган ой Ўзбекистон Сенати Конституциянинг 21 йиллиги муносабати билан эълон қилган амнистия асосида муддатидан олдин озод этилган.

Айни қарорда 60 ёшдан юқори эркаклар, хориж фукораларига нисбатан амнистия қўлланилиши алоҳида таъкидланган. Ҳозирда ёши олтишдан ошган маҳкумлар, жумладан Самандар Қўқонов, Ғанихон Маматхонов, Солихон Абдурахмонов, Аъзам Тургунов, Исроилжон Халдоров, Рустам Усмонов ва журналист Муҳаммад Бекжон ҳамда 19 йиллик тутқун Мурод Жўраевлар ҳамон қамоқда қолмоқда.

www.ozodlik.org

Генерал Дўстум
Тошкент ва Остонага
сафар қилди...

2-бет

Мажбур бўлганимиз
учун
Ватандан кетдик...

3-бет

Қодиржон Ботиров:
«Биз ҳозир бу масалада
жиддий ишлаяпмиз...»

4-5-бетлар

Туркияда «Турк
бирлиги» партияси
қурилди.

6-бет

Албатта
ўқинг!

Инсон ҳуқуқлари.

ТАХРИРИЯТДАН: Жанубий Қозоғистонлик ўзбеклар, гоҳида қозоқ биродарлар: “ўғлимиз ёки (қизимиз) 15-20 йилдан бери Ўзбекистонда яшашади, аммо шу пайтгача Ўзбекистон паспорти берилмади, шуни газеталарингизда ёзсанглар бўлмайдами”, деб сўраб келишарди. Бахтимизга Малкдор.сом сайтида айнан шу масалага бағишланган мақола чиқиб қолди... Ўқиб чиқингчи, балки сизларнинг дардларингизни ёзишгандир!?

“Авлод-аждодлари ёки ўзлари ўтмишдаги фожеали воқеалар сабабли хорижга кетиб қолишга мажбур бўлган ўзбеклар ҳам бемалол республиканинг фуқароси бўлишлари керак. Ўзбекистон ҳудуди ўзбекларнинг миллий давлатчилиги бўлган бирдан-бир ҳудуд эканлигини эътиборга олиб, республика ўзбеклар қаерда яшамасин, уларнинг ҳаммаси учун маданий ва маънавий марказ бўлиб қолиши лозим”. Бу сўзлар шахсан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг юртимиз ўз мустақиллигини қўлга киритган дастлабки йилларида “Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли” деб номланган нутқида айтган сўзларидир. Каримовнинг ушбу сўзлари, ҳатто унинг 1992 йилда “Ўзбекистон” наشريётида чоп этилган шу номли

асаридан ҳам жой олган.



Халқимизда “Айтилган сўз – отилган ўқ” деган пурмаъно нақл бор. Бу нақл замирида “ваъда вафоси билан сўзал” деган маъно мужассам топгандек. Айниқса, бундай сўзлар сизу биз каби оддий одамлар томонидан эмас, балки шахсан давлат раҳбари томонидан айтилганидан кейин у амалиётда, албатта, ижро этилиши керак. Бундай бўлмаган тақдирда, президент нуфузига нутур этибгина қолмай, балки халқнинг унга нисбатан ишончи йўқолади. Халқ президентининг ҳар бир сўзларини, гарчи президент томонидан “мавриди келганда шунчаки айтдим-қўйдим” қабилида айтилган бўлса-да диққат билан қўзатилади. Президентнинг жуда кўп сўзларини зинҳор-базинҳор унутмайди, аксинча унинг ҳар бир сўзини, берган

ваъдаларини мушоҳада қилиб боради, ижобий натижалар кутади.

Бугун Президент томонидан ушбу сўзларнинг айтилганига қарийб 22 йил бўлибди. Бироқ, бу сўзларга боғлиқ реал ҳаётда қандай ўзгаришлар рўй берди, яъни авлод-аждодлари ёки ўзлари ўтмишдаги фожеали воқеалар сабабли хорижга кетиб қолишга мажбур бўлган ўзбеклар республиканинг фуқароси бўла олдими?! Йўқ, асло бундай бўлгани йўқ, аксинча айрим сабабларга кўра хорижий давлатларда қолиб кетган, Ўзбекистон мустақилликка эришганидан қувончлари еру осмонга сизмай шошилинч равишда ўз юртига кўчиб келган “ажнабий” ўзбеклар ҳам юрт фуқароси бўла олмади. Бундан ташқари, Ўзбекистонга собиқ СССР таркибига кирувчи айрим давлатлардан 1988 йилдан кейин ўқини, ишлаш, доимий яшаш мақсадида келиб, шу ерда муқим яшаб қолган ва бундан кейин ҳам яшаш истагини билдирган шахсларга, ҳатто ўзбек миллатига мансуб кишиларга ҳам Ўзбекистон фуқаролиги берилмади ва улар бугунги кунгача мамлакатда фуқаролиги йўқ шахс сифатида яшаб келмоқда.

Ваҳоланки, қонун бўйича мамлакат ҳудудидо доимий 5 йил яшаган ҳар қандай шахслар Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўла олиши керак. Бироқ айни кундаги фуқаролиги йўқ шахслар

гарчи мамлакат ҳудудидо 20 ва ундан кўп йилдан бери, яъни қонунда белгиланган 5 йил муддатнинг тўртта-бештасини босиб ўтган, яшаб келаётган бўлса-да, ҳамон фуқаролик ололмасдан сарсону саргардон. Энг ачинарлиси, 1992 ва ундан кейинги йилларда айнан Ўзбекистонда туғилган ва паспорт олиши ёшига етган, бироқ ота-оналари фуқаролиги йўқ шахс бўлган кишилар фарзандларига ҳам Ўзбекистон Республикаси фуқароси берилмаётир.

Норасмий маълумотлар бўйича (мавзуга оид тегишли ташкилотдан статистик маълумот олишининг урдасидан чиқа олмадик), айни пайтда Ўзбекистонда тахминан 600-700 мингга яқин фуқаролиги йўқ шахслар, яъни собиқ СССР

фуқаролиги истикомат қилмоқда. Уларнинг 70-80 фоизи миллатига кўра ўзбеклардир.

Гарчи СССРнинг парчаланганига қарийб 24 йил бўлса-да, Ўзбекистоннинг ўз ерида қолган фуқароларни сақлаб келиши сабаби ҳеч кимга тушунарли эмас.

У ҳолда президентнинг “биз танлаган йўл ойдин йўл, орқага йўл йўқ! дея жар солишини қандай тушуниши мумкин? Каримов томонидан олиб борилаётган бундай сиёсат эса, нафақат фуқаролиги йўқ шахсларга, ҳатто кенг халқ оммасига, халқаро ҳамжамиятга ҳам ёқмаслиги шубҳасиз, аниқ. Фуқаролиги йўқ шахслар, гарчанд қонун бўйича президент сайловидо иштирок этишидан ташқари барча сайловларда қатнашиши, Ўзбекистон Республикаси фуқароси билан бир хил имтиёзларга эга бўлиши белгиланган бўлса-да, амалда бундай эмас.


У л а р

Ў з б е к и с т о н

Р е с п у б л и к а с и
Ички ишлар вазирлиги,
Ўзбекистон Республикаси
Ташқи ишлар вазирлиги,
Ўзбекистон Республикаси
Мудофаа вазирлиги,
Ўзбекистон Республикаси
Прокуратураси, МХХ ва
партия ташкилотлари
ҳамда бошқа бир қатор
ташкилот ва идораларда
ишлаш ҳуқуқига эга
эмас. Бундан ташқари
фуқаролиги йўқ шахслар
ҳар қандай ташкилотда
раҳбар лавозимида ҳам
ишлай олмайд. Бу эса
уларни касб танлаш, ўзи
танлаган касби бўйича кар
рьерга эга бўлиш ҳуқуқидан
махрум қилмоқда. Назар
имизда, республикадаги
қонун ҳужжатлари ин
сон ҳуқуқлари соҳасидаги
халқаро меъёрлар ва стан
дартларга мувофиқ кел
майди. Инсон ҳуқуқларига
риоя этилиши устидан
мониторинг ва назорат
ни таъминловчи идоравий
тузилмалар тегишли ра
вишда барпо этилмаган.
Агар бундай камчиликларга
барҳам берилса (бирок назар
имизда амалдаги ҳукмрон
доира вакиллари, бундай
ҳолатни камчилик деб
ҳисобламайди) сон-саноксиз
кишилар ҳуқуқлари поймол
бўлишига барҳам берилар
миди. Айбсиз айбдорлар
сонига камайрмиди?

Асил ЭЛЎҒЛИ
mulkdor.com

Генерал Дўстум Тошкент ва Остонага сафар қилди...



Афғонистонлик генерал, этник ўзбеклар лидери Абдурашид Дўстум (январь ойи охирида) норасмий сафар билан Тошкентга ва у орқали Қозоғистоннинг Остона, Алмати шаҳарларига борган.

Бу борада КирТАГ хабар агентлиги Қозоғистонда Миллий хавфсизлик қўмитасига яқин манбасига таяниб маълум қилди.

Қозоғистонлик сиёсатишуносларнинг айтишича, Абдурашид Дўстум Алматида муҳим учрашувлар ўтказган. Қўзатувчилар мулоҳазасича, генерал Дўстум шу йил апрел ойида Афғонистонда бўлиб ўтиши кутилаётган президентликка сайловлар вазиятини ўзгартирмаслигини яхши англаган ҳолда минтақага сафар қилган.

Тахминларга кўра, афғон генерали Ўзбекистонда бу мамлакат хавфсизлик масалалари бўйича масъул шахслар билан учрашган. ББС радиосининг Ўзбек хизматида интервью берган сиёсатишунос Александр Князев “Дўстум Қозоғистонда Миллий хавфсизлик қўмитаси раиси Нуртай Абикаев ва ушбу муассасанинг Жанубий Қозоғистон бўйича масъуллари билан учрашган. Ушбу сафарнинг мақсади ҳарбий жиҳатдан хавфсизликни таъминлашга қўллов олиши эмас, балки Афғонистоннинг қайсидир қисмини қўлга киритса ёнилги билан таъминлаш масалаларида дастакка умид қилишидир” дея билдирган. Князев жаноблари генерал Дўстум қозоғистонлик расмийлардан қониқтирувчи ваъдалар олганини айтган.

Шу ўринда айтиши жоизки, афғонистонлик этник ўзбеклар лидери, генерал Абдурашид Дўстум поссовет ўлкалардан Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон каби давлатларда ошқора қўллаб-қувватланади.

Афғонистонга ён қўшини Ўзбекистон генерал Дўстумни толибон жангариларидан ҳимоя қилувчи асосий куч деб билади.

Москвадаги Карнеги марказининг етакчи таҳлилчиси, сиёсатишунос Алексей Малащенко айтишича, афғон жамиятида заиф саналган генерал Дўстум минтақадан амалий ёрдам олиши ҳамда уларга ўзи ҳақида эслатиб қўйиши мақсадида Марказий Осиёга сафар қилган.

Айтилишича, ўзбек генерали Абдурашид Дўстум Бишкек ва Ашхободга ҳам кириб ўтишини режалаштирган, аммо Марказий Осиёдан шошилинч равишда Ҳиндистонга жўнаб кетган.

Айни пайтда Дўстумнинг минтақа мамлакатларидан Қозоғистон ва Ўзбекистонга сафари матбуотда очиқланмагани баробарида бу мамлакат расмийлари генералнинг сафарини изоҳламаганлар.

ББС радиосига гапирган Александр Князев мулоҳазасича, Қозоғистон ва Ўзбекистоннинг ўзбек генералини очиқ қўллаши афғон ҳукумати олдидо сиёсий хато бўлиши мумкин.

Абдурашид Дўстум совет армиясининг афғонистонлик мужоҳидларга қарши амалиётларида яхши танилган. Генераллик унвонини у Афғонистоннинг собиқ президенти Нажибуллоҳ замонида олган.

Дўстум 2001 йили Толибон режимини аздаришга катта ҳисса қўшган эди.

2004 йилда Дўстум Афғонистон президентлигига номзодини илгари сурди ва 10 фоиз овоз тўплай олди.

Толибон ҳаракатига қарши турган “Шимолий альянс” лидерлари бўлган Дўстум 2008 йил собиқ сафдоши Акбарбой ва унинг оила аъзоларига куч қўллаганликда айбланиб, аввал уй қамоғига олинган, сўнгра Туркияга сургун қилинганди. Бир йиллик ҳижратдан сўнг, яъни 2009 йил ёзида генерал Дўстум президент Карзай даъвати билан Туркиядан Афғонистонга қайтди.

Айни пайтда халқаро нуфузли ташкилотлар Абдурашид Дўстумни қийноқлар қўллаганликда, минглаб маҳбус толибларни ўлдирганликда айблаб келади.

Маъжбур бўлганимиз учун Ватандан кетдик...

Ортиқовлар тақдири инсон ҳуқуқлари гуруҳлари ва Ғарб наирлари диққатида қолмоқда

Қаюм Ортиқов – Ўзбекистон ҳукумати мунтазам қўллаши айтиладиган қийноқларнинг навбатдаги қурбони сифатида кейинги ойлари халқаро матбуотда кўп бор тилга олинган ном бўлди.

Тошкентда ўз рафиқаси Мохира билан бирга тўрт болани тарбиялаб келган бу инсон ҳеч қандай муҳолифат аъзоси ё ҳукуматни танқид қилган журналист эмас, шунингдек, сиёсий исломий гуруҳлар ва ё бирон инсон ҳуқуқлари ташкилотига ҳам алоқаси йўқ. У Тошкентдаги Британия элчи-хонасида қўриқчи сифатида ишлаган, ҳолос.

Ҳаммаси шундан бошланган. Қаюм Ортиқовни 2008 йили Тошкентда Британия учун жосуслик қилиши гумони билан ушлашган ва ҳибсда тутиб туришига асос топши учун одам савдосида айблаб, ҳукм этишган.

Қаюм Ортиқов 2011 йил озодликка чиққач, ўз оиласи билан Ўзбекистонни тарк этишига маъжбур бўлади. Ҳозир Қаюм Ортиқов ва унинг оиласига АҚШ бошиана берган.

Куйида Қаюм Ортиқов Би-би-си Ўзбек Хизмати радиотингловчилари ва вебсаҳифаси ўқувчилари саволларига берган жавоблари ёбосилмоқда.



Би-би-си: Илк саволимиз ўз номини ошкор этмаган ўқувчимиздан. Хатда бошингиздан ўтган ҳодисалар ҳақида “мен бундай бўлишига ишонмайман” деб фикр билдирилган. Нима дейсиз?

Қаюм Ортиқов: Ҳар кимнинг ихтиёри ўзида. Менга ишонинглар, мен миллат қахрамониман, дейишига ҳаққим йўқ. Мен биров бошимни силасин, раҳм қилсин, деган мақсадда бу гапларни айтмаяпман. Мақсадим – Ўзбекистон махсус хизматларининг ваҳшийликлари бузунги кунда қай даражага бориб етганидан жаҳон аҳли хабар топшишига эришиш, бу қийноқларга барҳам бериш.

Би-би-си: Сизнингча, шунча ишлар бошингизга тушишига асосий сабаб нима?

Қаюм Ортиқов: Асосий сабаби – Британия элчилигида қўриқчи бўлиб ишлаганим. Мен қонунга зид иш тутмаганман ва тутмайман ҳам. Худога шукур. Менга очикчасига жосуслик қиласан, деб айтишмаган. Биласизми, 2005 йилдан бери АҚШда мен билан бирга ўқиган болалардан иккитаси қамалганди. Мени чақириб, улар ҳақида Ёлгон маълумот беришни талаб қилишган. Мен рози бўлмадим ва фақат ўз билганимни айтмаман, дедим. Чунки улар ақлли-хушли болалар бўлса, бирон қинғир иш қилганини кўрганим ё билганим бўлмаса, дедим. Дейлик, лейтенант Нуралиев исмли ҳарбий учувчи

билан бирга ўқиганимиз. Ана шу йигит ҳақида “у ҳар доим масжидга бориб, намоз ўқиган, уйига тез-тез араблар келиб турган” деб ёзиб беришимни талаб қилишди. Мен ундай масжид борлигини ҳам, бу йигитнинг араблар билан учрашганини ҳам, намоз ўқиганини ҳам кўрмаган эдим. Қандай қилиб ёзиб бераман? Рози бўлмадим.

Би-би-си: Сизни шафқатсиз қийноқларга тутишгани ҳақида ҳам кўп хабарлар бор. Булар қанчалик ҳақиқатга яқин?

Қаюм Ортиқов: Уларни ҳар вақт айтаверсам, ўз соғлигимга ҳам зарар қилапти. Менга электр токи беришган. Икки қаватли кроватга “қалдирғоч” усулида осиб қўйиб, кўкрагимга тепишган ва иккита қовургамни синдиришган. Жинсий аъзоларимни газета билан ёқишган. Тирноқларим орасига игна тиқишган. Бу қийноқларнинг ҳаммасини бир неча бор такрорлашган. Икки марта ўз жонимга қасд қилдим. Аммо ризқ-насибам кўтарилмаган экан, тирик қолдим.

Би-би-си: Токиодан Рустам Насимий исмли тингловчимиз сиз ҳибсда пайтингиз оила аъзоларингиз қаерда эдилар, бошингизга тушган ишлар уларга ҳам таъсир этганми, деб сўрамоқда.

Қаюм Ортиқов: Албатта, албатта. Менинг акам ҳам ҳарбий полковник. Уни ҳам бир неча марта чақириб тергов қилишган. Унга ҳам руҳий босим ўтказишган. Акам эса уларга қарата “агар укам нотўғри иш қилган бўлса, қонун бўйича жазо бераверинглар, лекин қилмаган ишини маъжбурлаб бўйнига қўйсангиз, сизлар ҳам қонун олдида жавоб беравиз” деб айтган экан. Ҳозир энди уларга босим бўлаяпти, деб ўйламайман. Лекин ҳар сафар уйимга кўнгиноқ қилганимда хавотирланаман. Кўрқаман. Чунки уларнинг кўлидан ҳар нарса келади.

Би-би-си: Ўзини Муроҳиддан, дея атаган тингловчимиз эса диний айблар боис қамалган биродарларни ҳам кўрдисизми қамоқда, уларнинг аҳволи қандай, деб савол берган.

Қаюм Ортиқов: Биласизми, илк марта мени дераза панжарасига илиб қўйиб уришганида, андижонлик Очилов Анваржон деган одамни келтиришди. У киши алақачон 8 йилча қамоқда ўтирган экан. Кейин “раскрутка” йўли билан қўшимча айб қўйиб, бошқа қамоққа кўчирилган экан. Анваржонни уриб, икки оёғини синдиришган ва суяклари қийиқ битган экан. У киши менинг аҳволимни кўриб, дод-фарёд солиб, қийновчилардан ўтинди. Аммо уни итариб юборишар ва “сенлар ватан хоинисанлар” деб тепиб юборишарди. У киши сизларни ҳам она туққан-ку, деб айтарди. Бироқ уни ҳам менга қўшиб калтаклашди. Кейин яна ваҳхобийликда айбланган бошқа кишини келтиришди. Биласизми, мен уларнинг юриш-туришига қараб, улар айбсиз, демоқчи эмасман. Уларнинг тарафини ҳам олмоқчи эмасман. Аммо уларга бефарқ ҳам бўлмоқчи эмасман. Лекин бу биродарларнинг кўплари қилмаган ишлари учун ўз умри, соғлиги билан тўлашмоқда. Хуллас, улардан бирини камерага келтирилганида мен қийноқлар боис ўрнимдан туролмай ётгандим. Уни ёнимда қийнашди. Кейин у тиши пастаси идишидан лезвие (тиг) ясаб, ҳожатхонада бўйнидаги жон томирини кесган. Уни олиб чиқиб кетишди. Жойи жаннатда бўлсин, оламдан ўтди.

Би-би-си: Сиз айтмоқчисизки, Ўзбекистонда қийноқлар шу даражада шафқатсиз бўлгани туфайли одамлар унга чидай олмасдан ўлимни афзал кўришмоқда? Шундайми?

Қаюм Ортиқов: (Уҳ тортади)

Ўша ертўлаларга, биринчи ё тўртинчи ертўлаларга тушган одам, Миллий Хавфсизлик Хизмати ва ё Ички ишлар вазирлиги ертўлаларида қийноқларни амалга оширадиган махсус маҳкумлар кўлига топширилади. Агар буюртмачи сизга қандайдир айбларни қўйишни истаган бўлса, бу қийновчилар сизни уч кун ичида шундай аҳволга солишадик, сиз қилмаган ишингизни ҳам бўйингизга олишига маъжбур бўласиз. Улар қўллайдиган қийноқларга чидашдан кўра, ўз жонингизга қасд қилиб, тинчгина ҳаётдан кўз юмишни минг марта маъқул кўрасиз.

Би-би-си: Мазлум исмли ўқувчимиз эса уни ҳам МХХ айдоқчиликка маъжбурлагани ва ўлдирагани, деб таҳдид қилганини ёзади. Мазлум ҳеч кимни сотмагани, бироқ уларнинг қозғошига имзо чекканини айтади. Бу ерда ҳамкорлик қилиши ҳақидаги қозғош нарзада тутилмоқда. Сизда ҳам шундай ҳолат бўлганми?

Қаюм Ортиқов: Йўқ, менда бўлмаган. Мен у ерда ўзимни эмас, балки оилам, болаларимни ўйлаганман. Худога шукур, икки ўғлим, икки қизим бор. Агар чидамасдан, уларнинг қозғошига кўл қўйсам, кейин мени барибир ҳеч қачон тинч қўймайликларини билардим. Мен ҳамма нарсага тайёр эдим. Лекин бировга тўхмат қилмасам бўлди эди.

Би-би-си: Қамоқдан чиққач, Ўзбекистонни тарк этдингиз. Яқинларингиз ва ватанингиздан йироқ тушдингиз. Албатта, бу қарорни бир тарафлама таърифлаши қийиндир. Ўзингиз ва оилангиз айна қадам ҳақида қандай фикрдасиз?

Қаюм Ортиқов: Қамоқдан чиққанимдан кейин бир йил давомда ҳафтада икки марта милицияхонага борардим. Назоратда эдим. Кейин ярим тунда ҳам келиб уйимдан олиб кетишарди. Ҳар сафар бармоқ изларимни олишарди. Бир сафар мени Чирчикдаги Ички ишлар бўлимининг Терроризмга қарши кураш бошқармасига олиб боришди. АҚШда қаерда ўқигансан, деб сўрашди. Мен эса Мудофаа вазирлиги йўлланмаси бўйича ўқиб келганимни айтдим. Улар анкета тўлдириб, расмга тушириб, бармоқ изларимни олишди ва мени рўйхатга қўйишди. Кейин мен уларга қарата “Мендан Британия жосуси ярата олмадинглар, энди нима, террорчи ясамоқчимисиз?” – деб сўрадим. Шунда улар менинг кимлигим билан ишлари йўқлигини, фақат юқоридан шундай буйруқ келгани боис мени рўйхатга олишга қўйганини айтишди. Уйга келгач, қариндошларим, оила аъзоларим ва ҳимоячиларим билан маслаҳатлашдим. Яқинларим менга кетишни, азар кетмасам, мени булар тинч қўймайликларини маслаҳат беришди. Бўлмаса, уй-жойим бор, бола-чақам ёнимда эди. Ўз тупрогим. Шу заминда ота-онам, бобокалоларим ётишибди. Ватандан кетиш жуда оғир эди. Қаерга борсангиз ҳам ҳеч жой киндик қонингиз тўкилган жойга келмайди. Худодан сўраймиз, балки 5-10 йилда ҳаммаси яхши бўлиб кетар... Ватанимизни ҳеч нарсага алмаймишдик. Ким нима, деб ўйласа, ўйлайверсин. Лекин ватандан йироқ бўлсак ҳам, ватан – юрагимизда. Биз фақат маъжбур бўлганимиз учун, ҳаётдан умид узмаганимиз учун, яшашга ҳаққимиз борлиги учун, инсонларни шунчалик хор-зор қилаётган одамларнинг асл башарасини жаҳон аҳлига озгина бўлсаям очиб бериш мақсадида кетдик, ҳолос.

Би-би-си: Жавобларингиз учун катта раҳмат.

ФИТНАГА ЙЎЛ БЕРИЛМАСЛИГИ КЕРАК

(давоми, боши 1-бетда)

бир гуруҳ маҳаллий фуқаро Олий Рада олдида марказий ҳокимиятнинг тан олмаслик талаби билан муддатсиз норозилик акциясини бошлаган эди. Улар 1992 йилги Қрим Конституцияси ва мухториятнинг кўплаб ваколатларини қайта тиклашни сўради. Бундан ташқари норозилар минтақанинг бундан кейин Украина таркибига қолиш-қолмаслиги, Россияга қўшилиши ёки ўзини мустақил давлат деб эълон қилиш масаласини референдум орқали ҳал этишни талаб қилмоқда. Украинанинг собиқ президентлари Леонид Кравчук, Леонид Кучма ва Виктор Юшченколар мамлакатда юзага келган сиёсий-ижтимоий вазият борасида қўшма баёнот тарқатди.

Учала собиқ президент Россия ҳукуматини Украина яхлитлигига таҳдид қилиши ва Қрим ички ишларига аралашшида айблади.

“Россия Давлат Думаси вакилларининг Қримни Россияга қўшиб олиш тўғрисида референдум ўтказиш гоёлари ёки Қрим мухторияти Олий Кенгашининг айни баёноти Украина конституциявий тузуми ва ҳудудий яхлитлигига таъвоуз сифатида қараланиши керак”, дейлади мазкур баёнотда. Айни пайтда, душанба кuni Тольятти шаҳридан Қримдаги стратегик объектлар химоясига Россия Бош Разведка бошқармасининг махсус бригадаси юборилгани айтилмоқда.

25 февраль кuni Севастополдаги базасига қайтган Россия Қора Денгиз флотти кемаларида 11 минг десантчи борлиги ҳақида хабарлар тарқалмоқда.

Ҳозирча Россия ҳукумати бу хабарларни расман тасдиқлаганича йўқ.

(Интернетдан)

НАТИЖАСИЗ ТУГАГАН МУЗОКАРАЛАР...

Озарбайжон пойтахти Бокуда якшанба кuni тахминан 50 минг одам юриш қилиб Озарбайжон ва Арманистон кучлари ўртасида Тоғли Қорабоғ хусусида уруш бошланганининг 20 йиллигини хотирлади.

Озарбайжон ҳукуматига кўра, 1992 йилда арман кучлари Хўжали кишлоғига ҳужум қилгани оқибатида 613 киши ўлган. Боку буни “геноцид” деб атаган.

Ереван расмийлари эса бу идаони кескин рад қилиб келмоқда.

Туркияда ҳам минглаб турклар Қорабоғ урушини хотирлаб намоён ўтказди.

Хабарларга кўра, Истанбул шаҳридаги 20 мингдан 50 минггача одам қатнашган намоёнда Туркия Ички ишлар вазири Идрис Саҳин миллиятчилик руҳида нутқ сўзлаган.

Озарбайжон Арманистон босиб олган Тоғли Қорабоғни қайтариб олиш учун куч қўллашга бир неча бор таҳдид қилган.

Томонлар ўртасида шу пайтгача олиб борилган музокаралар натижасиз тугаган.

«Озодлик»дан

Қодиржон Ботиров: “Биз ҳозир бу масалада жиддий ишлаяпмиз...”

ТАҲРИРИЯТДАН: Бундан ропна-роса бир йил олдин Женевада бўлиб ўтган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ)нинг Ирқий Камситишларни бартараф этиш бўйича Қўмитаси Қирғизистонга оид тингловда Жанубий Қирғизистон ўзбеклари лидери Қодиржон Ботировни ҳам даъват этган ва у бу анжуманга ўз маълумотларини тақдим қилганди. Биздаги маълумотларга қараганда, 2014 йилнинг март ойида бу мажлиснинг давоми ўлароқ яна ўша жойда анжуман ўтиши ва унда Қирғиз Хукуматининг жавоби эшиттирилиши керак. Биз бу анжуман олдида, Қирғизистон жанубидаги муаммоларни ёдингизга солиш мақсадида, журналист Юсуф Расул ўша пайтлардаёқ ўзбекларнинг лидери Қодиржон Ботиров билан ўтказган, аммо бугунги кунда ҳам эскирмаган суҳбатини маълум қисқартишлар билан чоп этмоқдамиз.

...2013 йилнинг 18 ва 19 феврал кун-



ларида **Қодиржон Ботиров** Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ)нинг Ирқий Камситишларни бартараф этиш бўйича Қўмитаси мажлисида иштирок этган Қодиржон Ботиров ўша кун қўмита раҳбари ва унинг ўринбосарлари, ҳамда махсус маърузачи билан шахсан учрашиб, уларга Қирғизистондаги ҳақиқий вазият ҳақида қўлаб ҳужжатларни топширган эди.

Орадан кўп вақт ўтмай ушбу нуфузли Қўмита Қирғизистон ҳукуматидаги ирқий камситишлар борасидаги уч қисм, 31 банддан иборат ўз тавсия ва талаблари ёзилган ҳужжатни тақдим этди. Тавсияларда Ботировнинг Қўмита экспертларига топширган Қирғизистондаги ўзбеклар муаммолари акс этган муҳим масалалар ҳам ўз ифодасини топган эди.

...Қирғизистон ҳукумати ўзини дунё учун ҳамшиша очиқ эканлигини кўрсатиб келади. “Қирғизистон – Марказий Осиёдаги демократия оролчаси” деган фикрни бутун дунёга кўз-кўз қилишни яхши кўради. 2010 йилнинг май ва июнь ойларида бўлган қонли можоролардан сўнг ҳам бу “очиқлик” намоиши этилди.

Улар олдинга Қирғизистонга Киммо Килонен бошлиқ халқаро мустақил комиссияни таклиф этишди. Комиссия хулосаларида ўзбеклар уюшиб яшайдиган жойларга ҳукумат иддао қилаётгандек учинчи кучлар эмас, балки ҳарбий техникалар билан қуролланган қирғиз миллатчилари бостириб киргани, уларни ҳукумат тепасида турган таниқли сиёсатчилар бошқариб турганлиги айтилган эди. Миллатчи сиёсатчилар матбуот анжуманида қатнашаётган фин дипломати, профессор Килоненга босим ўтказиб, уни тезлик билан мамлакатдан чиқиб кети-

шини талаб қилишди. Бу ҳам етмагандек комиссия раҳбарини бундан кейин Қирғизистонга киритилмаслик ҳақида қарор ҳам қилишди. Кейин Ўш ва Жалолобод воқеаларини қайтадан ўрганиш бўйича улар ўзларининг мустақил комиссияларини тузишди.

Комиссияга қирғинни уюштирган миллатчиларга хайрихоҳ кишилар киритилган эди. Бу комиссия эълон қилган хулосаларга кўра, қирғинни ўзбеклар уюштирган экан. Ўзбеклар лидери – Қодиржон Ботиров ўзбек тили мамлакатда иккинчи давлат тили бўлишини талаб қилиб, одамларни кўчага олиб чиққан эмиш. Хуллас, шунақа гаплар... Яна ўзбеклар айбосиз айбдор...

Бу гал БМТдек нуфузли халқаро ташкилот қирғин сабабларини жиддий ўрганишга киришди. Қирғизистон ҳукуматидан миллий можороларнинг сабабларини қайта ўрганиб, бир йил ичида БМТ олдида ҳисобот беришни талаб қилди.

Эндими бўлади? Ҳозир ҳукуматда турганлар Қирғизистондаги қонли воқеаларни уюштирган кишиларнинг кимликларини ошкор қила олишармикан? Ёки бу гал энди БМТни алдаб, яна ҳамма айбни ўзбекларга ағдаришадими? Ўзбеклар яшаб турган ҳудудга қурол-яроқ билан бостириб кириб, ёш болалар, аёлларни, беғуноҳ кишиларни ўлдирган, тириклайин ёқиб юборган газанда тўдалар қаердан келиб қолганди? Уларга ким қурол-яроқ берганди? Ким бошқариб турган?

Милиция, Хавфсизлик кучлари, мамлакат армияси қаерда эди ўша пайтда? Ёки кучишлар тар тизимларнинг ўзи уларни бошқарганми? БМТнинг Ирқий камситишларни бартараф этиш бўйича 18 ва 19 феврал кунлари бўлиб ўтган Қирғизистонга оид тингловда қатнашган давлат хайъати раҳбари, Президент Маҳкамаси вакили Мера Қарибаева ўша пайтда мамлакатда вазият издан чиққанлигини, ташқи кучлар бундан фойдаланиб, хунрезликларни амалга оширганликларини айтди.

Қирғизистоннинг БМТдаги вакили Гулнора Исхакова эса тинглов бўлаётган залда ўтирган ўзбеклар лидерини кўрсатиб, “Қодиржон Ботиров Қирғизистон суди томонидан судланиб қидирувга берилган. Сизлардан Қирғизистон суди қарорини ҳурмат қилишингизни сўрайман” деди. У бу билан халқаро ташкилот Ботировни Қирғизистон ҳукуматида ушлаб топшириши кераклигига шаъма қилди. Лекин у қирғин ташкилотчилари ҳанузгача ҳукумат идораларида ишлашаётганини айтмади. Айта олмади...

Вазият эса уларнинг истакларига қарши томонга қараб ўзгарди. Қирғизистон ҳукумати бир йил ичда 2010 йилги миллий ихтилофлар сабаблари, зиддиятлар пайтида инсон ҳуқуқларининг кўпол тарзда бузилиши ҳамда миллий озчиликларни сиёсий ташкилотлардан сиқиб чиқарилиши боиси ҳақидаги тўлиқ маълумотларни бир йил ичида БМТнинг Ирқий камситишларни бартараф этиш қўмитасига тақдим этиши керак. Халқаро БМТ Қўмитасининг бу тавсиялари Қирғизистон ҳукумати зиммасига қандай масъулия юклайди? Жорий ҳукумат бу тавсияларни бажаришида ўзида ирода топа оладими?

Қодиржон Ботиров билан суҳбатимиз айна шу мавзуда бўлди.

Юсуф Расул: - Қодиржон ака, сиз БМТнинг ирқий камситишлар бўйича қўмитасининг навбатдаги йиғилишида иштирок этган эдингиз. Йиғилишда қирғиз давлати вакиллари 2010 йил июн ойидаги қонли воқеалар пайтида ва ундан кейин инсон ҳуқуқлари бузилишига йўл қўйилгани, тергов ва суд тизимидаги адолатсизликларни тан олиб гапирдилар. Лекин қонли воқеалар ташкилотчилари кимлар эканлиги, уларни жавобгарликка тортилмаётгани сабаблари ҳақида негадир сукут сақлашди.

Қўмитанинг тавсияларидан сўнг ўзбекларга нисбатан уюштирилган қирғин борасидаги асл ҳақиқатлар очирилишига умид борми?

Қодиржон Ботиров: - Тўғри, ҳукумат вакиллари инсон ҳуқуқлари бузилишига оид бу камчиликларни тан олиб гапирди. Лекин улар шу бугунга қадар бу камчиликлар устида иш олиб боришганини амалда кўрсата олишмади. Қўмита тавсияларида бу масаладаги муаммолар етарли кўрсатиб ўтилган. Якуний хулосалар билан танишган кишилар бу ҳақда тўлиқ маълумот олишлари мумкин.

Тавсияларнинг 5, 6, 9 пунктларида кўрсатилган талабларни ҳукумат ўрганиб чиқиб, уларни қандай бартараф этилгани ҳақида бир йил ичида Қўмитага ҳисобот бериши шарт.

Ю.Р.: - Бу тавсияларни бажарилишига ишонасизми?

Қ.Б.: - Бу тавсияларни ҳукумат бажариши мумкин. Умид бор, қачонки қонун ҳаммага тенг бўлса. Ҳамма қилган ишига қонун олдида тенг жавоб берса... Акс ҳолда, ҳеч нарса ўзгармайди.

Халқаро ташкилот талаб қилаётган муаммолар янгилик эмас. Биз бу муаммоларни ечиш йўлида неча йиллардан буён курашиб келган эдик. Масалан, мен ўзбек миллий маданият марказининг раҳбари сифатида ўзбек халқининг ҳақ – ҳуқуқларини тиклаш, ўзбек мактабларини тавмирлаш, ўзбекча дарсликларни тайёрлаш, ўзбек ёшларини ҳукумат ва Парламентда, ҳамда маҳаллий бошқарув идораларида, ҳуқуқ-тартибот, суд, прокуратура тизимида ишлашларига шарафит яратиш бўйича кўп ҳаракат қилганман. Халқимиз вакиллари давлат идораларида хизмат қилишларини, ўзбеклар яшайдиган жойларда ўзбек тилида иш юритиш талаб қилганим учун бугун менга сепаратист деган айб қўйилган. Буни бутун дунё билади.

“Қирғизистонда давлат ташкилотларида фақат қирғизлар ишлаши керак”, “Бошқа миллат вакиллари эса квартирантлар”, “Қирғиз давлати фақат қирғизлар учун”, “Бошқа миллатлар қирғизлар хизматқори бўлиши керак”, “Қирғиз элим”, “Қирғиз тилим”, “Қирғиз ери” деган сиёсатчилар эса миллий қахрамонга айланиб, бугун парламент ва давлатни бошқаришяпти. Демократия фақат қирғизлар учунми? Бошқа миллат вакиллари ўз ҳақ-ҳуқуқларини, тенгликни талаб қилишгани учун қирғиз давлатининг дуиманига чиқарилаяпти. Қирғиз миллатчилари эса – миллат қахрамони!

Бугунги кунда Президент маҳкамаси, ҳокимликлар, маҳалла

идоралари, суд, прокуратура, ички ишлар бўлимларининг 99 фоизида қирғизлар ишлашмоқда. Бир иккита рус миллатига мансуб кишиларни ишга олиб, улар ўзларини байналминнал қилиб кўрсатишга ҳаракат қилиб келишмоқда.

Ю.Р.: - Лекин Қирғизистон давлати хайъати аъзолари БМТ Қўмитаси йиғилишида бу каби муаммолар борлиги очиқ тан олиб гапирдишди-ку!

Қ.Б.: - Қирғизистондаги ахволни қирғиз давлати вакиллари очиқ тан олишгани тўғри. Улар 2010 йилнинг май ва июнь ойларида бўлган воқеаларни ҳам тан олиб, ўшанда давлат кучсиз эканлигидан сепаратистлар фойдаланишиди, деб айтишди. Бундан ташқари улар миллий можородан энг кўп жабр кўрганлар ўзбеклар эканлигини очиқ тан олишди. Қўмита ҳам ўз хулосаларида бунини эътироф этган.

Лекин, июнь воқеалари пайтида ва ундан кейин ўзбекларни кимлар ўлдирган? Кимлар қийноққа солган? Кимлар бу ишларни бошида турган? Бу ҳақда лом-мим дейишмади.

Жалолободда фаолият кўрсатиб келган “Олимжон Ботиров” номли халқаро университет 2010 йилнинг 19 май кун қирғиз миллатчилари томонидан талон-тароғ қилиниб, ёқиб юборилган эди. Шундан сўнг ўзбекларга қарши қирғин уюштирилди. Бу уруш бошида Роза Отунбаева, Исмоил Исаков, Суюн Умрзаков, Азим Бекназаров каби миллатчи сиёсатчилар турганини ҳамма билади-ку!

Ўша пайтда Муоффаа вазири бўлиб ишлаган Исмоил Исаков 11 ва 14 июн кунлари Ўш ва Жалолободда юриб, халқ дўружиналарини тузгани, бу вилоятларда жойлашган ҳарбий қисмлардаги қурол-яроғларни миллатчи гуруҳларга тарқатиб бергани кўпчиликка маълум. Ўша кунлари муваққат ҳукумат аъзоси Азим Бекназаров Жалолобод вилояти, Новкент райони милиция бўлимига телефон қилиб, ўгли Руслан бошлиқ жиноятчи тўдаларга барча қурол-яроғларни беришга буйруқ берган. Бу қуроллар воситасида ўзбеклар қирғин қилингани бугун ҳеч кимга сир эмас. Муваққат ҳукуматнинг яна бир аъзоси – Умур Текебаевнинг укаси – “Ота макон” партиясининг Жалолобод вилоятидаги куратори Асил Текебаев, Бекназаровнинг ўгли билан бирлашиб ўзбеклар яшайдиган Бозоркўрғон қишлоғига ҳужум уюштирган. Улар юздан ошиқ уйларга талончилик қилиб, ўт қўйилган. Лекин, ҳукумат тепасида ўтирган миллатчилар бу жиноятчиларни эмас, таниқли ҳуқуқ ҳимоячиси Азимжон Асқаров, ўзбек миллий маданият маркази раҳбари Шукуржон Мирзаимов ва бошқа ўзбекларни қамаб, қийноққа солиб, узоқ йилга озодликдан маҳрум қилишди. Ҳужум қилганлар эса ҳанузгача озодликда юришибди.

Улардан ташқари Суюн Умрзаков, Курсан Асанов, Қамчи Ташиев, Мелис Мирзақматов ва бошқаларни ҳам ўзбекларни қирғин қилган миллатчи тўдаларга бошчилик қилишгани ҳақида аниқ маълумотлар бор. Ҳозир ҳукуматда юқори лавозимларда ишлаётган бу миллатчилар ўзларини ўзлари фош этишмайди, албатта. Улар бир йил ичида БМТдай жиддий ташкилотга бу ҳақдаги аниқ маълумотларни (давоми 5-бетда) э т а олиша- д и - ми? Авваламбор, Қирғизистон прези-

Қодиржон Ботиров: “Биз ҳозир бу масалада жиддий ишлаяпмиз...”

денти, парламенти ва ҳукумати бун ҳоҳлайдими? Ахир шу парламент, шу ҳукумат ва амалдаги шу президент ҳалигача бирор халқаро ташилот берган тавсияларни бажаргани йўқ-ку! Бажаришган бўлса ҳам шунчаки юзаки. Кўзга ташланадиган бирор ижобий ишнинг ўзи йўқ. Бугун давлат тизимида қонунга амал қилиб ишлайдиган бирорта раҳбарни топа олмайсиз. Миллатчилик, қариндош-уруғлик, коррупция воситасида ҳокимиятга келган бу сиёсатчилар фақат ўз манфаатлари учунгина ишлаганда, холос. Халқнинг давлат раҳбарларига ишончи бутунлай йўқолган. Бугунги кунда ўз ерини, уйини, молу мулкни ташлаб, ташқарига чиқиб кетган минглаб ўзбек оилалари бор. Қирғизистон ҳукумати уларни қайтариб олиб келиш ҳақида бирор бир ҳаракат қилгани йўқ. Қайтанга, она – ватанини ташлаб чиқиб кетган ўзбекларни ҳисобини олиб, уларни устидан сохта жиноий ишлар қўзғашмоқда, Россия ички ишлар вазирлиги, прокуратураси, хавфсизлик хизмати (ФСБ) ходимлари билан тил бириктириб, ўзбекларни мажбуран ортга қайтаришга ҳаракат қилишмоқда. Ўзлари ўзбекларни камситиб, очикдан очик таҳқирлаб, қийнаб, уларни мамлакатдан чиқиб кетишларини кенг йўлга қўйиб олишган.

Ю.Р.: - Қирғизистонда авж олган миллатчилик, ўзбекларга нисбатан тоқатсизлик кайфиятлари қачондан бошланган? Нега бу мамлакатда миллатчиликлар борган сари кучайиб бормоқда?

Қ.Б.: - Қирғизистон жанубидаги ўзбеклар йигирма йил ичида икки марта даҳшатли қирғинга дучор қилинди. Бу қирғин асосан сиз айтган миллатчилик туйфайли содир этилган эди. Тўқсонинчи йилларда Ўш ва Ўш атрофидаги ерларни бўлиб бериш баҳонасида уюштирилган қирғин ташилотчиларининг бирортаси ҳанузгача жавобгарликка тортилгани йўқ. 2010 йилда ўзбекларга қарши яна қирғин уюштирилди. Бунинг сабаблари нимада?

Ҳохласак ҳоҳламасак биз тарихга мурожаат қилишга мажбурымиз. Ўшда ва Жалолободда қачон қирғизлар яшашни бошлашганини биласизми? Эллигинчи ва олтмишинчи йиллардан бошлаб тоғда яшайдиган қирғизлар шаҳарга келишни бошлашган эди. Ўша вақтгача Ўш ва Жалолободда бирорта қирғиз тилидаги мактаб бўлмаган. Фақат ўзбекча ва айрим русча мактаблар бор эди. Биз ўзбеклар қирғизларни ҳеч қачон рад этмаганмиз. Биз уларни яхши қабул қилганмиз. Қирғизлар орамизга қўшилганида бирор ёмонликни бир-биримизга раво қўрмай, совет даврида яшаб келдик.

Горбачёв замонида Абдусамат Масалиев Қирғизистон компартияси биринчи секретари бўлиб ишлаган пайтда, уни шогирди Усен Сиддиқов Ўш обком партиясининг биринчи котиби эди. Тўқсонинчи йилда Ўш ва Ўзганда бўлган қирғинга айнан шу шахслар жавобгар. Масалиев вафот этиб кетди, лекин Усен Сиддиқов ҳозир ҳам яшайпти. Улар ўша пайтда Қирғизистонни қирғизлаштиришни мақсад қилиб олишган эди.

Аскар Акаев ҳокимиятга келгач, уларни йўлдан борма-

ди. У Қирғизистон жанубини қирғизлаштиришнинг бошқа йўлини танлади. Ўш областини учга – Ўш, Жалолобод ва Баткен вилоятларига бўлиб ташлади. Янги ташилот қилинган вилоятларда янги бошқарув тизимлари яратилди. Ҳуқуқ – тартибот, халқ ва қишлоқ хўжалиги соҳалари бўйича вилоят бошқармалари тузилди. Минглаган янги иш ўринларига таниш – билишчилик, қариндош-уруғчилик билан бирор мутахассисликка эга бўлмаган, қирғиз миллатига мансуб лаёқатсиз кишилар ишга қўйилди. Катта пора эвазига лавозимлар сотиб олиш кенг йўлга қўйилди.

Ўзбеклар деҳқончилик қилиб келган сугориладиган яхши ерлар ўша пайтдаги Жалолобод вилоят Кенгаши раиси Бегмамат Усмоновнинг қарори билан узоқ овуллардан кўчириб келинган қирғизларга бўлиб берилди. Совет Иттифоқи пайтида қурилган завод ва фабрикалар, ишлаб чиқариш корхоналари, савдо марказлари, хусусийлаштириш баҳонасида миллатчи қирғизлар томонидан ўзаро тақсимлаб олинди. Коррупция гуллаб-яшнади.

Бундан ташқари Республикада қирғиз тили бўйича махсус комиссия тузилди. Бу комиссия асосан мамлакат жанубида иш олиб борди. Мактаблар ва олий ўқув юртларида ҳеч қандай тайёрликсиз, дарслик ва қўлланмаларсиз қирғиз тилини ўқитиш жорий қилинди. Бошқа тиллардаги радио ва телевидениялар, газета ва журналларни қирғиз тилига айлантириш ҳаракатлари бошланди. Мактаблар ёки кўчалар номини қирғизчага ўзгартиришга киришилди.

Бу ишлар бошида турган Усен Сиддиқов, Тўнчи Турғуналиев, Бегмамат Осмонов, Умур Текебаев, Азим Бекназаров, Адахан Мадумаров ва бошқа сиёсатчилар ўша пайтда қирғизлар ичида миллатчилик уруғини сочишни бошлашган эди. Улар “Қирғизистон фақат қирғизлар учун!”, “Қирғиз ери”, “Қирғиз элим” ва “Қирғиз тили” деган шиорлар билан иш олиб боришди. Қирғиз тилини билмаган бошқа миллат вакилларини очикдан очик камситишни бошлашди. Кўча-кўйда руслар ва ўзбекларни тутиб олиб, “Нега қирғизча гапирмайсан?” деб сўроқ қилиш одат тусига кирди. Шу боис руслар ва рус тилида сўзлашувчи яхши мутахассислар бу ерда узоқ яшаб бўлмастлигини сезиб, ёппасига кўчиб кета бошлашди. Қирғизлар эса улардан бўшаган уй-жойларни бир чекадан эгаллаб олишди. Лекин завод ва фабрикаларни ишлатишни билишмади. Бунинг улар камчилик эмас, бизни ютуғимиз деб билишди.

Мана шундай зулм ва зўравонликларга сабр-тоқатли, матонатли ўзбек халқи чидаб яшади. Ўзбеклар ота-боболаримиздан қолган она-ватанимизни ҳеч қаерга ташлаб кетмаслик кераклигини яхши билишар эди. Уларни осонликда қувиб чиқара олмаган миллатчи қирғизлар 2010 йилда бошқа йўлни йўлаб топди. Улар ўзбекларга қарши қурол ишлатмагунча, уларни осонликча бу ердан йўқотиб бўлмайди, деган хулосага келишди. Шундан сўнг демократия ниқобини кийиб олган Роза Отунбоева бошлиқ муваққат ҳукумат аъзолари қуролли кучларни ўз ичига олган жиноятчи тўдалар билан бирлашиб, май ва июнь ойларидаги қонли қирғинни

амалга оширишди. Ҳўш, миллатчи кучлар бу жиноятлари орқасидан нимага эришдилар?

1. Ўзбеклар ёрдами билан ҳокимиятга эришган Роза Отунбоева бошлиқ муваққат ҳукумат аъзолари, Курманбек Бакиев ва уни тарафдорларидан қутулган заҳоти, ўзбек лидерларини душманга айлантиришди. Улар лидерларни йўқ қилиб, ўзбекларни парчалаб, улардан ўзларининг шахсий мақсадларига эришиш йўлида фойдаланишди.

2. Улар талончилик натижасида жуда катта бойликка эга бўлишди. Ўзбекларни ўлдириб, қамаб, хону молини талаб, ўзларидан из қолдирмаслик учун ҳамма жойини куйдириб, ёқиб юборишди. Кеча демократман деб кўкрагига уриб юрган Роза Отунбоева, Азим Бекназаров, Умур Текебаев, Эмил Каптагаев, Кенеш Душабаевга ўхшаган қашшоқ кишилар қирғин, қон тўкиши билан жуда катта бойликка эга бўлишди.

3. Парламент сайловларида бошқа миллат вакиллари томонидан ташилот қилинган партияларнинг бирортаси қатнаша олмади. Жиноий гуруҳлар томонидан ташилот қилинган партиялар ўз одамларини парламентга олиб келишди.

4. Янги ҳукумат коалициясини тузиш пайтида уларнинг ҳар бири ўз вакилларини ҳукумат таркибига киргизишга эришишди.

5. Мана шу “демократик гуруҳ” ўз тарафдорлари бўлган Алмаз Атамбаевни президент бўлишига эришди.

6. Ўзбек телевидения ва радиолари, газета ва журналлари ёпиб ташланди.

7. Жиноятчиларни топиб жазолаш ўрнига, миллатчиларнинг “бу ерда фақат ўзбеклар ўқийди”, деган ёлгон кўрсатмаларига асосланиб, Университет ёпиб ташлади. Кечаги маҳаллий миллатчилик бугунги кунда Парламент ва Давлат миқёсига кўтарилди.

Ю.Р. - Сиз айтганингиздек, миллатчилик руҳи қамраб олган мамлакат ҳукумати БМТнинг ирқий каситишларга барҳам бериш қўмитаси талабларини бажаришда ўзида куч, ирода топа олармикан?

Қ.Б.: - Бу тавсияларни бажариш учун ҳукуматда ўтирганлар ўз жиноятларини очикчасига тан олишлари керак. Тан олиш эса улар учун қамоқ дегани.

Энди ўзингиз йўлаб кўринг, Президент ва Парламентда ўтирганларни шу талабларни бажаришга кучлари етадими? Албатта, йўқ. Улар энди яна бошқа йўл излайдилар. Яна вақт ўтказиб, ўзбекларни айбдор қилиб кўрсатишлари мумкин. У ҳолда эса халқаро ташилотлар қирғиз ҳукуматига қарши қатъий чоралар кўришга мажбур бўлади. Мамлакат Президенти ва Парламенти Қирғизистонда яшаётган ўзбекларни Қирғизистон фуқароси деб тан оладими ёки йўқми?

Қирғизистондаги ўзбекларнинг бугунги муаммоларини тан олган ҳолда, уларни ҳал қилишга кескин ва жиддий ёндошадими ёки йўқми? Охири оқибатда ўзбек халқи билан бугунги Қирғизистон давлати раҳбарлари мулоқотга борадими ёки йўқми? Бугунги кунда бу масалалар жуда муҳим. Ҳамма гап шу масалалар ечимига боғлиқ бўлиб қолган ҳозир.

Ю.Р.: - Қирғизистон ҳукумати БМТ тавсияларини бажаришни истамаса ёки олдингидек яна ўзбекларнинг ўзини айбдор қилиб кўрсатса, хорижда яшаётган ўзбеклар, ўзбек лидерлари қандай чора кўриши мумкин?

Қ.Б.: - Биринчидан, биз ҳақиқий жиноятчиларни жавобгарликка тортишларини талаб қилишда давом этамиз. Иккинчидан, халқаро ташилотлар билан яқиндан иш олиб борамиз. Учинчидан, Қирғизистон президенти, Парламенти ва ҳукумати олиб бораётган ишларни ҳаммиша кузатиб, назорат қилиб борамиз. Белгиланган вақт ичида бу масалалар ўзининг ижобий ечимини топмаса, биз бунга нисбатан ўз муносабатимизни кескин равишда билдираемиз.

Ю.Р.: Масалан, қандай?

Қ.Б.: - Кескин равишда муносабат билдириш йўллари кўп. Амалга ошган пайтда бу кескин муносабатлар нима эканлигини улар ўзлари билиб олишди.

Ю.Р.: - Сиз каби ўз ватанини ташлаб кетишга мажбур бўлган бошқа ўзбек лидерлари айти пайтда қандай ишлар билан машғул?

Қ.Б.: - Қирғизистондаги ўзбеклар лидерлари сифатида тан олинган Жалолiddин Салоҳуддин, Улуғбек Абдусаломов, Иномжон Абдурасулов, Озодбек Караматов,

Аъзамжон Акбаров ва бошқалар ҳозир хорижда яшашаяпти. Уларни ҳаммасини Қирғизистон ҳукумати кидирувга берган. Шу боис бу лидерларнинг очик фаолият кўрсатишга имкониятлари йўқ. Ҳозир АКШда яшаётган “ЎшТв” директори Халлжон Худойбердиев ва бошқалар билан Қирғизистонлик ўзбеклар ҳақ - ҳуқуқларини тиклаш ва адолатни қарор топтириш масалалари устида иш олиб бораёпмиз.

Қодиржон Ботиров келажакка умид билан боқади. Мен суҳбатдошимда ҳақиқий сиёсатчиларга хос бўлган синчковликни, сўзга масъулиятни, улугворлик ва матонат туйғуларини ҳис қилдим. У ўз халқи келажиги учун ҳаммиша қурашга тайёр эканлигини, ҳеч қачон бу эзгу мақсаддан чекинмаслигини англаб этиш қийин эмас эди.



Юсуф Расул, мустақил журналист.
www.yangidunyo.org

ТУРКИЯДА ТУРК БИРЛИГИ ПАРТИЯСИ ҚУРИЛДИ

Туркиядаги халқ ижтимоий-сиёсий маънода ниҳоятда фаол бўлиб, жамиятда бўлиб ўтган ва ўтаётган жараёнларга лоқайд даврани кўрмайсиз. Қайси бир даврага борманг, ҳаётларидаги у ёки бу муаммо, бугунги сиёсий жараён ҳақида ўз фикри бор одамларга дуч келасиз.

Бутупроқларда Марказий Осиёдагига ўхшаб: “тинчлик хотиржамлик бўлсин”, деб эмас, “тинчлик бўлсин, аммо қуллик бўлмасин”, дея юзига фотиҳа тортишади. Гарчи, Туркия халқи иқтисоди, ижтимоий ҳаёти, халқнинг яшаш тарзи жиҳатидан биздан ўнлаб йиллар илгарилаб кетган бўлса-да, турмушни янада фаровонроқ қилишни ўйлаганлар кўпчилиги ташкил қилади

Ўнлаб эмас, балки юзлаб турли социал гуруҳлар, вақфлар, дарнақлар, мустақил газеталар бор. Уларнинг аксариятига ҳукуматнинг ўзи дастак берган ва бермоқда. Дарнақ ва вақфлар бу ердаги турли миллатларнинг ижтимоий-сиёсий онгини янада юксалтириш учун хизмат қилишмоқда...



А н ж у м а н
қ а т н а ш ч и л а р и д а н
б и р г р у п п и

Назаримизда, бу хил ижтимоий-сиёсий фаоллик, кўп масалаларда, хусусан туркий бирлик масаласида ҳам тўғри йўл топишга ёрдам берди...

Шу пайтгача туркийларнинг “Дунё турклари”, “Қрим турклари”, “Турк ўжқлари”, “Туркистон”, “Туркистонлилар”, “Туркманлар”, “Қозоқлар”, “Уйғурлар” номи билан юритилувчи ўнлаб вақф ва дарнақлар бор эди, аммо уларнинг энг фаолларининг бошлари туркчилик ғояси остида бирикиб, кучли бир ташкилот майдонга келганини кўрмагандик.

Ўтган 2013 йил охири ва жорий йилнинг бошларидан, ҳақиқий туркчиларнинг боши бирика бошлади. Менимча, ўтган йилнинг август ойида бўлиб ўтган Дунё туркийларнинг 3-курултойида айtilган кўп фикрлар, энг асосийси туркчиликнинг пишиб етилганлиги бунга асос берди. Бу муаммонинг пишиб етилганлиги орқасида сарлавҳада айtilган «Турк бирлиги» партияси ҳам оёққа турмоқда...

Шу кунларда турли жойларда йиғилишлар, анжуманлар бўлиб ўтмоқда. 2014 йил Январь ойининг 25 санасида Истанбулнинг Қаргал бўлгасида «Турк бирлиги» партиясининг ташкилий йиғилиши бўлиб ўтди. У ерга каминани бу партиянинг лидери Хуршит Йийит номидан Исмадуллох Ясавий жаноблари даъват этдилар...

Йиғилиш менда кучли ва унутилмас таассурот қолдирди. Бу ерга юраги инсонпарварлик, туркчилик ишқи билан ёнган, бу йўлда молини ва жонини аямайдиган кўрқмас, закий, шижоатли одамлар йиғилганини кўриб, уларнинг гапларини эшитиб, бир неча марта

кўзларимдан ёш сизганини сезмай қолдим...

Партия лидери Хуршид Йийит ўзининг камтарлиги, самимийлиги билан диққатимизни тортди. У ўз сўзида, бу партия ҳеч бир халққа, мамлакатга, партияга қарши тузилмаганини, у фақат ҳозирда кўнгилдагидай бирикмаган туркий ва бошқа халқларни бир байроқ, Отатурк байроғи остига тўплаш учун қурилганини урғуларкан, ҳозирнинг ўзидаёқ партиянинг (Мустафо Камол Отатурк сурати ҳам акс эттирилган) байроғи борлигини, у рўйхатдан ўтказилганини, шу кунларда жойлардаги йиғинлар, тарғиботлар туфайли асосан зиёли қавмдан минглаб одамлар аъзо бўлишганини, партия ичида юздан ортиқ фан доктори ва профессорлар мавжудлигини баён этди... Ундан кейин йиғилганларнинг ҳаммаси галма-гал ўрндан туриб ўзларини таништиришди ва бир оғиздан юрак сўзларини айтишди. Гапирганлар бугунги кунда туркий тилда сўзловчи, аслида Туркистон ва бошқа ҳудудлардан келиб ерлашган туркман, уйғур, ўзбек, қозоқ, татар, озарбайжон, бошқирд, булғор, гагауз (гўкўғиз) қавмига мансуб Инсонлар бўлиб, туркларнинг бирлашиши ниҳоятда ақтуаллигини, ҳамма кўнгилисиз воқеалар, фожиалар худди шу бирлашмаганимиз туфайли ҳам бўлаётгани

ҳақида гапиришарди.

Ясавийнинг авлодидан бўлмиш Исмадуллох абий Туркий бирлик партияси шаклида Туркистонда ҳам шу хил уюшмалар бўлса кўнгилдагидай иш бўлиши мумкинлигини урғулаб, шундай кўшимча қилди. “Туркий бирлик туйғуси, айниқса, Туркистон халқлари қалбида ҳам илдиз отмоғи муҳимдир. Бу туйғу Марказий Осиёдаги қирғиз, қозоқ, туркман, ўзбек, қорақалпоқ халқлари қалбида чуқур илдиз отса, кўп муаммолар, хусусан, Орол муаммоси, турли гидроиншоотлар масаласи ва ниҳоят ер ва чегара масалалари тинч йўл билан ҳал этиларди...”, деди.

Навбат менга келганда, кўп қатори ўзимни таништирарканман, тарихда Туркистон бутупроқларида ҳам етишган туркчилар бўлганлигини, шу кунларда ҳам Қозоғистонда “Туркистон Ассамблеяси”, Ўзбекистонда “Туркистон бирлиги” ҳаракатлари мавжудлигини, шунингдек, Чимкентда қозоқ ва ўзбек тилларида “Туркистон тонги” номли иккита газета чиқаётганини, каминани бу ҳаракат ташқарисиди эмас, ичидалигимни сўзладим ва биродарларга бу улуг йўлда сабот, сабр, уюшқоқлик тиладим.

Йиғилишда партия лидери анжуман қатнашчиларини партиянинг бош котиби, хазинасичи, ҳуқуқчиси билан таништирди. Сўнг партия фаоллари вазифаларни бўлиб олишди. Аллоҳ буюрса, «Турк бирлиги» партиясининг худди шу номда бир журнали чиқадиغان бўлди.

Ботир НОРБОЙ

ЎЗБЕКИСТОНДА СУЛАЙМОНЧИЛАР ҲИБСГА ТОРТИЛМОҚДА.

Сулаймончилар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита экспертларининг 2010 йил 1 декабрдаги 2032-сонли ҳулосасига кўра, «Сулаймончилар» ҳаракати Ўзбекистонда Буюк турк ислом давлати қуришни бош мақсад қилувчи паниисломистик, пантуркистик ташкилот эканлиги, «Сулаймончилар» ҳаракати нафақат Ўзбекистонда, балки бошқа ривожланиб келаётган давлатларда амалдаги давлат тузуми ва ҳудудий яхлитликни Конституцияга хилоф равишда ўзгартириш, ҳамда конституциявий дунёвий (секуля) давлатлар ўрнида исломий-туркий халифаликни барпо қилиш гоъларини тарғиб этиш билан шуғулланиши, Ўзбекистон Республикаси хавфсизлиги, жамоат тартиби ва осойишталиги, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига таҳдид солувчи, фаолияти ва гоълари Ўзбекистон Республикасида тарқалиши тақиқланган ташкилот» эканлиги кайд этилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита экспертларининг 2010 йил 1 декабрдаги 2032-сонли ҳулосасига кўра, 1987 йилда Жиззах вилояти, Зомин тумани, Сувли Соё кишлоғида туғилиб ўсган, Қирғизистоннинг Бишкек шаҳрида жойлашган «Сулаймончилар» диний экстремистик ташкилотига мансуб бўлган мадрасада диний таълим олиб қайтган Файзуллаев Ғайрат Сайдуллаевич қамоққа олинган.

2013 йил июль ойининг 09 кунини Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди Файзуллаев Ғайрат Сайдуллаевични Ўз.Респ. ЖКнинг қатор моддалари билан айбли деб топиб, 6(олти) йил озодликдан маҳрум этди.

Жазони ўташ даври 2013 йил 09-январдан ҳисобланган. “Яқин кунларда укамиз жазони ўташ мавсумини бошлади. Уни олдинда нималар кутмоқда, бу ёлғиз яратган эгамга аён”,—деб ёзади эндигина 26 баҳорни қаршилайётган диний экстремизмда айбланган Ғайрат Файзуллаевнинг акиси Сирдарё вилоятидаги Сардоба Жомъе масжиди имоми Фурқат Файзуллаев ҳукуматнинг юқори идораларига ёзган ўз “ИЛТИМОСНОМА”сида,—Қамоққа олинганлар тегишли шароитлар мавжуд бўлганда қамоқда сақлаш жасийи ҳудудида ўз хоҳишларига кўра ва жасийоти ишини юритаётган мансабдор шахс ёки органнинг ёзма рухсати билан меҳнатга жалб этилиши мумкинлигини эшитганмиз.

Қамоққа олинганларнинг меҳнат шароити қонун ҳужжатларида белгиланган хавфсизлик, санитария ва гигиена талабларига жавоб бериши керак, маҳкумни керагидан ортиқ нормаларни бажаришга мажбур қилиш таъқиқланади дейилади қонунларда. Қамоққа олинганлар ўз меҳнати учун тегишли ҳақ олишга ҳақлидир.

Маҳкум-мазлумнинг ҳаёти ва соғлиги суғурта қилинади. Қамоққа олинганларнинг иш ҳақи белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан кам бўлмаслиги лозим ва қонунда назарда тутилган чегирмалар қилинганидан кейин уларнинг шахсий ҳисоб варақларига ўтказилади дейилапти.

Ушлаб турилганлар ва қамоққа олинганларни сақлаш жасийларида қонунларга риоя этилиши устидан назорат Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар томонидан амалга оширилади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти 1984 йил 10 декабрда қабул қилган «Қийноқларга солишга ва муомалада бўлиш ва жазолашнинг бошқа шартсиз, гайриинсоний ёки қадр-қимматни таҳқирловчи турларига қарши конвенция»га кўра, маҳкумларни сақлаш, жазосини муносиб олишига тўсқинлик қилмаслик меъёрийи ҳужжат қилиб белгиланган. Маҳкумни уриш, куч ишлатиш йўли билан уни таҳқирлаш, сиёсий камситиш, жазо муддатини сунъий йўллар билан узайтириш учун ҳужжат тўплаш (раскурутка), умрини қисқатирадиган усулларни қўллаш, ўз жасийига қасд қилишга олиб бориш мумкин эмаслиги қонунда кўрсатилган.

Маҳкум одил суд томонидан жазога маҳкум этилди ми демак руҳий ва жасийотий азобларни бошидан кечиришга маҳкум эмас. У қонунда белгиланган жазони ўтайди холос.

Мен укамнинг соғ-саломат қайтиб келишига ишонаман. Айбланувчи шахснинг ҳимоя ҳуқуқи жасийот-судлов ишларини юритишда асос қилиб олинувчи принциплардан бири бўлиб, иш бўйича қонуний, асослангиланган ва адолатли қарор қабул қилинишини кафолатлайди.

2008 йилнинг 1 майида Президентимизнинг «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар дастури тўғрисида»ги Фармони эълон қилингани юртимизда инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасидаги амалга оширилайётган саъй-ҳаракатларнинг узвий давоми бўлди.

ТОЛИБ ЁҚУБ ХОТИРАЛАРИДАН...



...Мен 10 март куни Жиззахдаги уйимга кеч соат 6 да етиб бордим. Ярим соат ўтмасдан ҳовлимизга Жиззах шаҳар ҳокими Сарвар Худоев, туман ҳокими Парда Шукуров ва калхоз раиси Мўминжон Қаҳҳоров кириб келишди.

Мен жуда ҳайратландим. Шаҳар ҳокими менга: «Тошкентдаги воқеалардан хабарингиз бор, ҳозир бутун Ўзбекистонда террорчиларни қоралаб халқ митинглар қиляпти. Бугун сизларнинг Тоқчилик маҳалласининг митинги бўлар экан. Сиз портлашларни ўз кўзингиз билан кўрган экансиз. Шу митингга қатнашиб одамларга гапириб берсангиз» деди. «Митинг» маҳалланинг ҳашаматли (совет давридан қолган) клубида уюштирилган экан. Тадбирда тахминан 350 тача одам йиғилган, тўрта видеокамерачи «митинг»ни суратга олаётган экан. «Митинг»ни менинг собиқ дўстим Туроб Мақсудов (илгари Низомий номли ТДПИда биология факультетида ишлаган, 90-чи йиллар ўртасида Жиззахга келиб, вилоят ҳокимиятида Радиотелекомпаниянинг бошлиги бўлиб ишлар эди) бошқармоқчи бўлиб турган экан.

У биринчи сўзни вилоят ҳокимининг муовини, бизнинг қишлоғимиздан, шоира Сайёра Туйчиевага берди. У минбарга чиқиб аввал президентимизнинг ҳаётини сақлаб қолгани учун Аллоҳга шукроналар айтди ва террорчиларни қаттиқ қоралади ва бирдан... менга ўтиб кетди: «Бироқ орамизда Тolib Ёқубовга ўхшаши ифлос, галамис ва виждонсизлар бор-ки, улар мамлакатимиз ютуқларини кўролмайдилар, уни ичидан емиришга уринадилар» деб сўзини давом эттирди у. 10 минутча гапирган бўлса, фақат мени ҳақоратлаш, террорни уюштирувчилар бошлиги, дея баҳолаш билан вақтни ўтказди. Сўзининг охирида у: «Тolib Ёқубов халқдан кечирим сўраши шарт!» деди.

Иккинчи бўлиб сўзга Дилбар Саидова чиқди (у мен ишлаган математика факультетини битирган ва ўша пайтда сельсовет раиси бўлиб ишлар экан): «Тolib ака бизга дарс берган, яхши мутахассис эди. Бироқ ўша пайтларда ҳам ҳукуматга қарши гапирар эди» деб гап бошлади у. Дилбар ҳам 7-8 минут мени ҳақорат қилди ва нутқини «Тolib Ёқубов халқдан кечирим сўрасин!» деб тугатди. Залнинг тўрт нуқтасидан 4 та видеокамерани менга қаратиб узлуксиз суратга тушириб туришди. «Митинг» кеч соат 7 да бошланди ва 10 да тугади. 30 тача одам сўзга чиқди ва барчаси «Тolib Ёқубов халқдан кечирим сўраши керак!» деб хитоб қилишди.

С. Туйчиева ва Д. Саидовадан кейин сўз менга берилди. Мен Т.Мақсудовнинг ёнида, президиумда ўтирган эдим. Мен ўрнимдан туриб гап бошлаганимдан зал бирдан жимиб қолди, сукут ҳолатига тушди. «Мен Тошкентдан шом номози пайти кираётганда уйимга келдим. Мен номозни ўқиб тугатган пайтда анави икки ҳоким ва манави калхоз раиси ҳовлимга кириб келишди. Мен «Жиззахда демократия бошланибди-да!» деб хурсанд бўлдим, лекин буларнинг нияти бузуқ эканини хаёлимга ҳам келтирганим йўқ. Мен бундай ҳақоратли мажлисда қатнашишдан бош тортаман, бироқ кетишдан олдин сизларга 2-3 оғиз гап айтмоқчиман» деб гап бошладим ва давом этдим:

- Мендан олдин сўзга чиққан икки аёл мен раҳбарларидан бири бўлган «Бирлик» халқ ҳаракатини ва Ўзбекистон Инсон Ҳуқуқлари Жамиятини ҳақорат қилдилар. Ҳаммангиз икки кулогингиз билан эшитиб олинг: бу икки ташиклотнинг раҳбарларидан бири бўлганимдан мен фахрланаман ва ҳеч қачон ачинмайман. Сиз фахрланиб тилга олаётган, ҳов анави ҳокимлар, прокуратура ва милиция ходимлари, судьялар дастидан чирқиллаган юзлаб инсонларни биз қўлимиздан келгунча ҳимоя қиляпмиз.

Мени бу залга анави ҳокимлар «халққа гапириб беринг» деб алдаб олиб келишди. Мен бу ерда халқни кўрмайман. Сизлар уёқ-буёқдан териб келинган сотқинларсиз. Бу ерда тўпланганларнинг аксарият кўпчилиги ўз манфаатидан келиб чиқиб, ё кўрқиб, ёки бу разил ўйин ташиклотчиларига ишониб тўпланганлар. Мен кетдим, сиз митингизни ис-таганингизча давом эттираверинг, деб сўзимни ту-

гатдим ва чиқиш эшиги томон юрдим.

Залнинг ўртасида 2,5-3 метрли йўлак бўлиб, унинг ўртасида икки ҳоким бошлиқ 15 тача одам йўлни тўсиб турарди. Улар мени йўлимни тўсди, атрофдан: «Қайт орқанга, халққа жавоб бер!», «Эркакмисан, нега қочаясан?», «Қилгиликни қилиб қўйиб, энди қочишини қара!» каби ҳайқириқлар янграй бошлади. Шунда бир аёл туриб келиб, менинг қўлимдан ушлаб, ҳақоратлаб, президиум томон судрай бошлади. Мен дарров тушундим: қаршилик кўрсатсам – мени дарров милиция ходимлари ушлашади ва бу эпизод 277-модда (Безорилик) бўйича жиноий иш очишга асос бўлади.

Ўша аёл мени 3-4 метр судрагач, ён томондан бир аёл: «Тоғамдан қўлингизни торт! Ҳозир ҳаммангни шармандангни чиқараман!» дея ўта қаттиқ қичқириб биз томон ташланди. Қарасам, ўзимнинг Феруза исмли (кичик опамнинг қизи) жияним экан. У боғчада ишлар эди. Ўша куни боғчанинг барча ходимларига: «Бугун Тоқчилик маҳалласи клубига кўкаламлаштириш масаласини халқ билан гаплашгани вилоят ҳокими Шавкат Мирзиёев келади. Ҳаммаларинг қатнашишларинг шарт, бормасан одам эртага аризасини ёзади» дейишган экан.

Секунд ичида вазият ўзгарди: зал ўртасида мен ва жияним иккаламиз қолибмиз – ҳамма қочиб кетибди. Мен эшик олдида бордим. Бироқ бу вариант ҳам ҳисобга олинган экан – учта чиқиш эшикларнинг ҳаммасини илгаридан қулфлаб қўйишган экан. Мен қолишга мажбур бўлдим. Мен залга қараб соат 10 гача ҳақоратларни эшитиб туравердим. Соат 10 да эшик очилди ва мен клуб ҳовлисига чиқдим. Ҳовлида иккита милиция машинаси (негадир иккаласининг ҳам барча эшиклари ланг очилган ҳолатда эди) ва уларнинг олдида Жиззах туман ИИБ бошлиги Шароф Назаров, унинг муовини, яна иккита милиционер ва маҳалла милиция инспектори (исми Раҳмон эди) туришган экан. Мен шиддат билан уларнинг олдида ўтиб кетдим. Менинг уйим клубдан 200 метр нарида эди. Эрталаб бомдодни ўқигач, укамнинг ёрдамида Тошкентга етиб олдим. Провокация тамоман барбод бўлди.

3) 2004 йил 7 декабрь куни менга қарши яна бир марта провокация уюштирилди. Ташиклотимиз 29 ноябрдан бошлаб ҳар куни вилоят ҳокимияти олдида вилоят прокуратурасида бўлаётган қонунбузарликларга қарши норозилик пикетлари уюштириётган эди. 7 декабрь эрталабдан кўчанинг нариги томонида (менинг уйимнинг рўпарасида милицияхона ва фуқаролар йиғини биноси жойлашган) негадир одамлар тўплана бошлади. Ўзлим иккала-миз пикетга бориш учун эрталаб соат 9 да кўчага чиқсак нариги томонда камида 250 тача одам турибди экан.

Биз ҳокимият томон (ҳокимиятгача тахминан 3 км.) йўл олсак, орқамиздан 7-8 та одам эрашди... Улар ўзлим иккаламизни бир км.ча таъқиб қилиб боришди. «Қўтарма» маҳалласига кирганимизда орқамиздан Карим Соатов бошлиқ 100 тача одам машиналарда етиб келди ва бизни ўрашди ва орқага қайтишни ҳамда фуқаролар йиғини биносида йиғилиш ўтказишни таклиф қилишди. Биз қайтишга мажбур бўлдик. Мажлисга 30 тача одам кирди (жой камлиги туфайли), қолганлар коридорда ва бино ҳовлисида туришди. Мажлисни бозорком З. Олимов бошлаб, сўзни менга берди. Мен равон тилда вилоят прокуратурасида бўлаётган адолатсизликларни конкрет факт ва ҳужжатлар асосида гапириб бердим. «Бизни бу ерга Тоқчилик маҳалласида Тolib Ёқубов деган ўта хавфли ваҳҳобий яшайди, шунинг ишларини муҳокама қилишимиз керак, деб алдаб олиб келишган экан. Биз тушундик, бу одам ҳақиқатни айтаяпти. Прокуратуранинг қингир ишлари кўпчилиги ҳамма билади. Биз кетдик» деб одамлар мажлисдан бирин-кетин чиқиб кета бошлашди. Ҳатто мени ўта ёмон кўрадиган Қувват ака деган маҳалла оқсоқоли мени тўлиқ қўллаб-қувватлаб гапиргач (мен учун қутилмаган ҳодиса бўлди), мажлис тарқалди. Мен тўлиқ галаба қилдим...

ЎЗБЕКИСТОНДА СУЛАЙМОНЧИЛАР ҲИБСГА ТОРТИЛМОҚДА

Таъкидлаш жоизки, ушбу Фармонда мамлакатимизнинг идора ва ташиклотлари, вазирликлари зиммасига бажарилиши лозим бўлган бир қатор вазифалар белгилаб берилди. Инсонпарварлик таъминоти сифатида жиноят содир этган шахсларга нисбатан тобора кечиримли бўлиш ҳамда уларни тўғри йўлга бошлаш масаласи қўйилди.

Зеро, инсонпарварлик — инсон ҳуқуқларини таъминлашда муҳим мезонлардан бири ҳисобланади. Шунинг учун ҳам билиб-билмасдан жиноят йўлига кирган шахсларни кечириб, уларга нисбатан инсонпарварликни қўллаш зарур.

Муҳими, инсонни жазолаш эмас, балки жиноят йўлига кирган шахснинг ҳар қандай қилмиши учун жазонинг муқаррарлигини англаб етишига эришиши айни муддао саналади.

Шу боис ҳам юртимизда олиб борилаётган суд-ҳуқуқ ислохотлари моҳиятига айнан мазкур гоя сингдирилган. Инсонпарварликнинг энг олий тарзда намойён бўлиши, бу — давлат раҳбари ташаббуси билан парламент юқори палатаси томонидан қабул қилинадиган амнистия актидир.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, мазкур ҳужжат нафақат демократик жамиятнинг устувор тамойиллари, балки қадимдан амал қилиб келинаётган қадриятларни, қолаверса, кишилар эъзозлайдиган бағрикенглик, муруват ва инсонпарварлик каби олий фазилатларнинг нозик қирраларини ҳам ўз ичига олган.

Жазони ўташ муассасида ўтирган ҳар қандай маҳкум аввало авф этилиши ва амнистияга тушиши ҳақида орзу қилади. Биз ҳам не афсус ва надоматлар билан укамиз, жисгаримизни тўрт девор қаърига, борса келар жойларга кузатишга ютиндик. Начора. Яна ҳам яратган эгам билади. Агар умрини берган бўлса, қамоқдан соғ-саломат қайтиб келар. Лекин укамнинг ҳам инсон бўлиб тугилганидек, инсон бўлиб яшашига қизиқиши бор эди...

Мен оддий фуқаро сифатида укам, жисгарим, ҳозирда қамоқда сақланаётган маҳкум Файзуллаев Ғайрат Сайдуллаевичнинг кейинги тақдири хусусида ачиниш сиз азизларга мурожаат қилдим.

Айбга буюрмайсизлар. Ҳеч кимнинг бошига бу кунларни солмасин деб дуо қиламан.

«Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонуннинг 14-моддасида қатъий қилиб ёзилганидек, «Фуқароларни ҳамда уларнинг оила аъзоларини ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини рўёбга чиқариш ёки ҳимоя қилиш мақсадида давлат органларига мурожаат этганлик»лари учун таъқиб қилиш ман этилади.

Шундан келиб чиқиб, ўзларининг фуқаролик бурчини амалга ошириш мақсадида давлат органларига мурожаат этаётган фуқаролар учун ҳам давлат худди иундай кафолатларни қонунчилик йўли билан мустаҳкамлаб қўйиши керак.

Мен ўз илтимоснома тарзидаги мурожаатим билан адашган укамни авф этишда унга нисбатан чин кўнгилдан пушаймон эканлигини инобатга олиб, инсонпарварлик далолатномаси қўллашда имконият берилишини сўрайман.», деб илтимосномасига яқун ясайди «ИЛТИМОСНОМА»сига яқун ясайди. Сардоба Жомъе масжиди имоми Фурқат Файзуллаев

Аббос ОСТОН
«Бирдамлик» Халқ Демократик Ҳаракати фаоли.

Тolib ЁҚУБОВ

ЮСУФ ТУРКИСТОНИЙ ИЖОДИДАН...

Бир пайт чойхонада сўйлашган булар,
Озодлик ҳақида мастона, ниҳон.
Пичирлаб – пичирлаб қўйлашган булар
Энди эслашади - эдик қахрамон.

Ҳамон чой хонада сермаст чор улфат,
Ҳамон пичирлашар мустабит – илон.
Эртага минбарда айлашади қайд,
Бизлар курашганмиз - бизлар қахрамон .

Кураш майдонида кечмасдан қонлар,
Буюк бўлганларни унитма олам .
Чойхонадан чиққан бу қахрамонлар,
Қахрамонлар чиқар чойхонадан ҳам.

Бировнинг бахтини бахтинг деб билдинг
Не – не инсонларни қилдинг бахтиёр
Бир кун ёлғиз қолиб ,базрингни тилдинг
Ойнага тутилдинг, ажинлар қатор .

Бахтли қилганларинг олмади хабар,
Ахир энди улар сенсиз ҳам комрон .
Биров бахти сенга бахт бўлмас, музтар ,
Авалло ўзингни бахтли қил, инсон

Инсонни тўфондан қутқариш мумкин
Зилзила вулқондан қутқариш мумкин .

Инсонни вабодан қутқариш мумкин .
Жонофат жафодан қутқариш мумкин .

Инсонни аждардан қутқариш мумкин
Айрилиқ маҳширдан қутқариш мумкин .

Қутқарса бўлади заҳардан, ўлмас ,
Инсонни инсондан қутқариб бўлмас .

Таппи тайёрлаш
технологияси
(помфлет - маъруза)

Ассалому алайкум. Бугунги маърузамизда ТТТ – таппи тайёрлаш технологияси ҳақида маълумот берамиз.

Таппи бу ҳозирда халқ орасида кенг тарқалган ёнувчан маҳсулот бўлиб, асосан, мол ва қўй дефекацияси натижасида ҳосил бўлган массадан қўл меҳнати билан тайёрланади. Ўзи жуда яхши нарса, қишда жоннинг роҳати.. , ҳа, майли чалгимайлик, аввало таппи ясаш учун ўзингизда чорва бўлиши лозим. Айрим ҳолларда баъзилар яқин қўшиланикидан хомашё олиб чиқиб тайёрлашади, лекин бу унчалик мақсадга мувофиқ эмасдир, сабаби, бу кетишда у ҳам қачондир хомашёни бермай қўйиши хавфи бор. Буни ўзингиз биласиз, биз эса фақат тапписи учунмол боқайтганлар борлигини ҳам биламиз. Гўннинг таснифини қиламиз: қўйнинг гўнги қўтонда қат-қат бўлиб тахланади, жуда бебарак, уни палакса-палакса қилиб кўчириб олиб қуришиб ёқаверасиз, аммо унга турли бадий кўриниш бера олмайсиз – синиб кетади.

Молнинг гўнги эса, эҳ, бу қандай яхши нарса! Мол фақатгина куруқ нарсалар билан озикланса, гўнги қаттиқ ва мерч бўлади. Сал қуриб қолган бўлса, сув аралаштириб ийлаш мумкин. Пластилин ҳолига келтирилиб таппи ясаш тавсия этилади.

Агар мол фақат кўк ўт ё атала истеъмол қилса, унинг гўнги таппи учун жуда мувофиқдир. У ҳолвайтар даражасида суюқ бўлади, табиийки қуюқлаштириш учун кузда сотиб олган кўмирингизнинг ҳоқини ёки арра тўпонини (опилка) аралаштирасиз. Агар иккови ҳам бўлмаса, 3-4 кун кутсангиз, таркибидаги сув компонентлари ҳаво ва ерга сингиб қуюқлашиб қолади.

Таппи учун энг олий сифатли гўнг – бу спирт заводининг аталасини (барда) ичган мол гўнгидир. Спирт сўзининг ўзи сизга мазмунни англатган бўлса, таркибига тўхталиб ўтирмадик.

Айрим иш қуроллари бўлиши лозим. Қурилиш ашёлари сотувчидан резина қўлқопни сўрайсиз. Уч ярим минг (1.75\$) , намни ўтказмайди,- дейди сотувчи. Пулни тўлаётинг, аста, “таппи қилиш учун”, деб қўясиз.

- Биламан, ака, ҳамма таппи қилиш учун олади. Сизни таппи қилмасангиз керак, деб ўйлаб бошидаёқ айтмагандим, – дейди сотувчи.

Таппи ясаш учун уйга олга! Ҳарҳолда, кетмон ва катта курак уйингизда топилишига ишончимиз комилроқ.

Қишда 2 тоннадан арзон нархда кўмир олиш ҳуқуқингиз бор. Югуриб-елиб, турнақатор, метангазқатор навбатларда ҳормай-толмай сотиб олган бўлсангиз – бу катта бойликдир. Чунки ўша кўмирнинг ярми тош бўлса ҳам, қолган ярми қипқизил хока, яъни кўмир кукуни ҳисобланади. Баъзида орасидан бир-иккита ёнадиганлари ҳам чиқиб қолади. Каравотнинг симтўридан ўтказилган кўмир кукуни таппи билан жуда “гаплашади”. Кўмир аралаштирилган таппи қишда ўрик ўтин билан беллашади. Кўмир қўшилган таппи қишда олтиндан қиммат!

Таппининг хилма хил турлари мавжуддир. Катта пилладай гўмбақ кўринишида ясаш кенг тарқалган. Бунинг афзаллиги ясаш осон, гувала сингари юмалатасиз – тайёр. Оғзи тор печкаларга мос келади. Аста-секин ёниб иссиқликни узоқроқ сақлаб туради.

Агар тандирга бўлсангиз, унда елпиштовокдек катта таппи ясашни маслаҳат берамиз. Ёш оилалар таппи ясаб бўлгач, Palmolive, Dove, Duri, Fax, Camay, Savay совунлари билан қўлни ювиб, салфетка билан артишлари лозим, ўрта яшарлар ўзлари билишади.

Келгуси учрашувларимизда электрни иқтисод қилиш учун монтаж ва счетчикни ўзгартириш бўйича маслаҳатлар берамиз. Барчага хонадони қишда ҳаммиша иссиқ бўлишини талаб таппишунослик бўйича умидли тадқиқотчи, нефтгаз қидириш бўйича мутахассис

Шукржон ИСЛОМОВ,
Фаргона вилояти

Э Ў Л О Н!

Қадрли ҳамюртлар!

Вилоят ўзбек драма театрида 2014 йил 15,16,17,18,20 февраль кунлари соат 15:00 ва 18:00 да “Мугомбир кувлар” (Ўзбекистон) фильми намойиш этилади.

20,21,22 февраль кунлари соат 17:00да С. Жумагуловнинг “Эрингни бериб тур” спектакли премьерасига таклиф этамиз.

Шимкент шаҳрининг С. Сейфуллин номидаги “Халқлар дўстлиги уйи”да 19 февраль кун соат 15:00да “Мугомбир кувлар” (Ўзбекистон) фильми намойиш этилади. Чипта баҳоси 300 тенге.

24 февраль кун соат 15:00да С. Жумагуловнинг “Эрингни бериб тур” спектаклига таклиф этамиз. Чипта баҳоси 400 тенге.

6 март кун кун соат 14:00 да 8 март Халқаро хотин – қизлар байрамига бағишланган “Муқаддасан, муқаддас аёл” номли концерт дастури намойиш этилади.

10 март кун соат 15:00да Э. Хушвақтовнинг “Кўнгил” спектаклига таклиф этамиз. Чипта баҳоси 400 тенге.

Мурोजсаат учун телефонлар:
87252 41-493,41-896, 21-07-05

ТУРКИСТОН
ТОНГИ

Ижтимоий-сиёсий, илмий,
адабий-публицистик газета

Бош муҳаррир
Раҳимтой
Бегалиев
Муҳаррир
Ўринбосари
Ботир Норбоев

Газетага Қозоғистон азамати С. Байдуллаев ва ўзбек фарзанди Б. Норбоев асос солган.
ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ
Бахтиёр Исабеков, Малик Мансур, Ўринбой Усмон, Фарҳодхон Мухтаров

Таҳририят манзили: Жанубий Қозоғистон вилояти, Сайрам тумани, Қорабулоқ қишлоғи, Аҳмаров кўчаси - 133, тел: 8 707 958 57 57, 40-064.
Мулк эгаси: Якка тадбиркор. Бегалиева Гулнар Қозоғистон Республикасининг Алоқа ва ахборот вазирлиги, Ахборот ва архив қўмитаси, даврий босма нашрларни ва Ахборот агентликларини рўйхатга олиш тўғрисидаги 12310 - Г сонли, 2 февраль 2012 йилда берилган гувоҳномага асосан босилмоқда.

Адади: 1000 дона. «М-press» босмахонаси (Шымкент ш. Байтурсунов-18)да чоп этилди. Буюртма №9. Таралиш ҳудуди: Қозоғистон Республикаси. Газета бир ойда бир марта нашр этилади.

ОБУНА ИНДЕКСИ: 64502

1. Муаллифларнинг фикри газета таҳририяти аъзолари фикри билан айнанмос бўлмаслиги мумкин.
2. Барча муаллифлик ҳуқуқлари Қозоғистон Республикаси қонунлари билан ҳимояланган.
3. Газетанинг асосий мақсади миллатлараро муносабатларни мувофиқлаштиришдир. «Туркистон тонги»да миллатлараро дўстликка раҳна соладиган мақолаларга ўрин берилмайди.
4. Ўқувчиларимизнинг саҳифалардан ножоиз жойларда фойдаланмаслигига умид қиламиз.
5. Газетадан олинган мақолалар ёки иқтибослар «Туркистон тонги»дан олинганлиги кўрсатилиши лозим.